

Қуръони карим дарслари (125-дарс) «Тайсир»даги етти қироатнинг санади



14:00 / 23.02.2021 3002

Имом Ҳамза аз-Зайёт ал-Кўфий қироати.

1) Ундан Халафнинг ривояти:

«Бизга уни Муҳаммад ибн Аҳмад хабар берган. У айтганки:

«Бизга Ибн Мужоҳид хабар берган. У айтганки:

«Бизга Идрис ибн Абдулкарим хабар берган. У Халафдан, у Сулаймдан, у Ҳамзадан нақл қилган».

(Абу Амр ад-Доний) айтади:

«Мен ушбу қироат билан Қуръоннинг ҳаммасини шайхимиз Абулҳасанга ўқиб берганман. У айтганки:

«Мен бу қироат билан Басрада Муқрий Муҳаммад ибн Абулҳасан ибн Юсуф ибн Наҳор ал-Ҳартакийга[1] ўқиб берганман. У менга айтганки:

«Абулҳусайн (бир нусхада Абулҳасан)[2] Аҳмад ибн Усмон ибн Жаъфар ибн Савбонга[3] ўқиб берганман. У менга айтганки:

«Мен Идрис ибн Абдулкаримга «Халафнинг ихтиёри»да[4] ўқимай туриб, ўқиб берганман. У менга айтганки:

«Мен Халафга ўқиб бердим. У айтганки:

«Мен Сулаймга ўқиб бердим. У айтганки:

«Мен Ҳамзага ўқиб бердим».

2) (Ҳамзадан) Халлоднинг ривояти:

«Бизга уни Муҳаммад ибн Аҳмад айтиб берган. У айтганки:

«Бизга Аҳмад ибн Мусо хабар берган. У айтганки:

«Бизга Яҳё ибн Аҳмад ибн Ҳорун ал-Марзуқ[5] Аҳмад ибн Зайд ал-Ҳулвонийдан, у Халлоддан, у Сулаймдан, у Ҳамзадан нақл қилган».

(Абу Амр ад-Доний айтади:)

«Мен ушбу қироат билан Қуръоннинг ҳаммасини шайхимиз Абулфатҳ аз-Зарирга ўқиб бердим. У айтдики:

«Мен бу қироат билан Абдуллоҳ ибн ал-Ҳусайн ал-Муқрийга ўқиб бердим. У айтдики:

«Мен бу қироат билан Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Шанабузга ўқиб бердим. У айтдики:

«Мен Абу Бакр Муҳаммад ибн Шозон ал-Жавҳарий ал-Муқрийга ўқиб бердим. У айтганки:

«Мен бу қироат билан Халлодга ўқиб бердим. У айтганки:

«Мен Сулаймга ўқиб бердим, у Ҳамзага ўқиб берган».

Бу олтинчи сиймо Ҳамза ибн Ҳабиб аз-Зайёт ал-Куфий бўлиб, куняси Абу Амморадир. Нозим имом Шотибий айтганларидек, у киши жуда заковатли, парҳезкор, Қуръонга ужра – ҳақ олишдан қаттиқ эҳтиёт бўладиган, ибодатга сабру бардошли эди. Кечаси озгина ухлар эди, холос. Мукамал тартил билан тиловат қилар, ким унга рўпара бўлса, фақатгина Қуръон ўқиётган ҳолида топар эди. У Жаъфар Содикда, у отаси Муҳаммад Боқирда, у отаси Зайнул-обидинда, у отаси Ҳусайнда, у отаси Алий ибн Абу Толибда ўқиган. Аллоҳ ҳаммаларидан рози бўлсин. Ҳамза яна Аъмашда, у Яҳё ибн Вассобда, у Алқамада, у Ибн Масъудда ўқиган. Шунингдек, у Муҳаммад ибн Абу Лайлода, у Абу Минҳолда, у Саъид ибн Жубайрда, у Абдуллоҳ ибн Аббосда, у Убай ибн Каъбда ўқиган. Яна у Ҳумрон ибн Аъёнда,^[6] у Абул Асвадда, у Усмон ва Алийда ўқиган. Усмон, Алий, Ибн Масъуд ва Убай розияллоху анҳум Набий соллаллоху алайҳи васалламда ўқиганлар.

«Қуръон илмлари» китобидан

^[1] Аслида Абулҳасан Муҳаммад ибн Юсуф ибнНаҳор ал-Ҳартакий. Қўлёзмада *يكرت ح م ل* га ҳам ўхшаб қолган.

^[2] Тўғриси Абулҳусайн.

^[3] Аслида Буён.

^[4] Яъни Халафнинг Ҳамзадан айри ҳолда ихтиёрқилган қироати.

^[5] Аслида ал-Музаввиқ.

^[6] Қўлёзмада «*ن ا ر ح*» каби ёзилган.